

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

1 октябрь — ўқитувчилар ва мураббийлар кўни умум-халқ байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Маърифат" газетаси билан ҳамкорликда ўқитувчилар ва мураббийлар ҳаёти, уларнинг шарофли меҳнат фаолияти, ютуқлари, иш тажрибалари ҳақида ҳикоя қилувчи публицистик жанрлардаги энг яхши асарлар танловини эълон қилади.

1 та 1-ўрин — 75000 сўм
2 та 2-ўрин — 50000 сўмдан
3 та 3-ўрин — 25000 сўмдан

Танловга тақдим этиладиган асарлар "Ma'rifat" газетасида эълон қилиб борилади. Уларнинг ҳажми 8 бетдан ошмаслиги ҳамда 2003 йил 25 сентябргача газета тахририятига топширилиши керак. Қўлимлар 1 октябрь — ўқитувчилар ва мураббийлар кўни, умумхалқ байрами арафасида ҳақамлар ҳайъати томонидан аниқланади ва тақдирланади

Манзилимиз: 700083, Тошкент ш.
Матбуотчилик бўлими 32-уй.
Қўшимча маълумотлар учун телефон: 133-37-38

Ўзингиз соз ўтиши бола-жонларнинг янги ўқув йилини кўтаринки кайфиятда бошлашига замин яратяди. Шу боис, Ўзбекистон таълим ва фарҳад хизматлари қасаба уюшмаси Марказий қўмитаси

ТАЪТИЛ ТОТЛИ ҲАМДА

Навий вилоят қўмитаси ташаббуси билан вилоятдаги тармоқ ходимларининг кам таъминланган оилалар фарзандларидан эллик нафари Тошкент шаҳридаги "Лочин" болалар оромгоҳида дам олишти.

Ш.НИШОНОВ

Навий вилоят қўмитаси ташаббуси билан вилоятдаги тармоқ ходимларининг кам таъминланган оилалар фарзандларидан эллик нафари Тошкент шаҳридаги "Лочин" болалар оромгоҳида дам олишти. Наъвий вилоят қўмитаси ташаббуси билан вилоятдаги тармоқ ходимларининг кам таъминланган оилалар фарзандларидан эллик нафари Тошкент шаҳридаги "Лочин" болалар оромгоҳида дам олишти.

Айнакса, масофавий малака ошириш конференцияси иштирокчиларида Низомий номидаги ТДПУ инновацион технологиялар маркази раҳбари, педагогика фанлари доктори, профессор Н.Азизхўжаевнинг айни кунда таълим жараёнида кенг қўлланилаётган янги педагогик технологиялар ҳусулида чиқиши ҳамда Тошкент мусоли ва иқтисодиёт колледжи директори Улуғбек Иноятоннинг "Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорларининг бозор иқтисодиёти шароитида раҳбарлик маҳоратларини шакллантириш" мавзусидаги амалий-тадбиркорлик машғулотини зўр қизиқиш уйғотди.

Мулоқотта яна Тошкент шаҳри чиқиб, бухороликлардан муайян ютуқлар билангина чекланиб қолмасдан, айни чоғда тизимда мав-

маси (EDCF) имтиёзли кредити маблағи ҳисобига молиялаштирилган лойиҳа бўйича амалга ошириладиган ишлардан ташқари, Корея илмий жиҳозлар ишлаб чиқариш ширкати томонидан Самарқанд туризм коллежига 350 минг доллар миқдорига тенг бўлган ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15 август 2003 йилдаги қарори билан Самарқандда "Ma'rifat" газетаси билан ҳамкорликда ўқитувчилар ва мураббийлар ҳаёти, уларнинг шарофли меҳнат фаолияти, ютуқлари, иш тажрибалари ҳақида ҳикоя қилувчи публицистик жанрлардаги энг яхши асарлар танловини эълон қилади.

ТАЪЛИМДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

ёхуд келажақ учун сарфланаётган маблағлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15 август 2003 йилдаги қарори билан Самарқандда "Ma'rifat" газетаси билан ҳамкорликда ўқитувчилар ва мураббийлар ҳаёти, уларнинг шарофли меҳнат фаолияти, ютуқлари, иш тажрибалари ҳақида ҳикоя қилувчи публицистик жанрлардаги энг яхши асарлар танловини эълон қилади.

«INFOCOMUZ»

ЎЗБЕК, РУС ВА ИНГЛИЗ ТИЛИДА

Ўрта ҳафтада Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро озиқ-овқат ва энгил саноат технологияси институти ҳамда Гулистон давлат университети видеоконференция залларида ушбу олийгоҳлар олимлари, худудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари мутасадди ходимлари ва уларнинг тасарруфдаги таълим муассасалари раҳбарлари иштирокчида масофавий малака ошириш анжумани бўлиб ўтди.

Masofaviy ta'lim

Ўрта ҳафтада Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро озиқ-овқат ва энгил саноат технологияси институти ҳамда Гулистон давлат университети видеоконференция залларида ушбу олийгоҳлар олимлари, худудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари мутасадди ходимлари ва уларнинг тасарруфдаги таълим муассасалари раҳбарлари иштирокчида масофавий малака ошириш анжумани бўлиб ўтди.

ВИДЕОКОНФЕРЕНЦИЯДА ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАР

Ўрта ҳафтада Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро озиқ-овқат ва энгил саноат технологияси институти ҳамда Гулистон давлат университети видеоконференция залларида ушбу олийгоҳлар олимлари, худудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари мутасадди ходимлари ва уларнинг тасарруфдаги таълим муассасалари раҳбарлари иштирокчида масофавий малака ошириш анжумани бўлиб ўтди.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

PREZIDENT TABRIGI
O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov bu yil to'rtinchi bor Samarqandda o'tkazilayotgan, dunyoning qirqdan ortiq mamlakatlardan san'atkorlar qatnashayotgan "Sharq taronalari" xalqaro musiqa festivali ishtirokchilari va mehmonlariga tabrik yo'llab, musiqaning eng zullikka xizmat qilishi, uning ruhiy qudrati va millatlararo do'stlikni mustahkamlashdagi o'rniga to'xtalib, anjuman ishiga muvaffaqiyat tiladi.

ANDIJONGA AMIR TEMUR ORDENI

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni bilan viloyat ahlining mamlakatimiz taraqqiyoti va sivilizatsiyasini yuksaltirishdagi fidoiylik va tashabbuskorlik namunalarini ko'rsatayotganligi e'tiborga olinib, mamlakatimiz mustaqilligining 12 yilligi munosabati bilan Andijon viloyati Amir Temur ordeni bilan taqdirlandi.

XORAZMGA JALOLIDDIN MANGUBERDI ORDENI

Xorazm elining ulug' ajdodlarimizga xos mardlik va jasorat, Vatanga muhabbatli va sadoqatli bo'lishdek ulug' an'analarini davom ettirib, murakkab tabiiy sharoitga qaramay hayotning turli jabhalarida muvaffaqiyatlarga erishayotganligi, yosh avlodni haqiqiy vatanparvarlik ruhida tarbiyalashdagi katta xizmatlari uchun hamda yurtimiz mustaqilligining 12 yilligi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoniga ko'ra Xorazm viloyati Jaloliddin Manguberdi ordeni bilan mukofotlandi.

"LACETTI" - QUDRATLI DEGANI

Asakadagi "OzDEUavo" qo'shma korxonasi ishlab chiqarilayotgan "Tiko", "Damas", "Neksiya", "Matiz" kabi avtomobillar qatoriga mustaqilligimizning 12 yilligi arafasida mamlakatimizning kuch-qudratidan bir nishona sifatida texnik va dizayn jihatidan ancha takomillashgan "Lacetti" avtomobili qo'shildi.

YANGI "NIHOL" LAR

San'atimizning yosh, iste'dodli vakillari uchun ta'sis etilgan "Nihol" mukofotiga ushbu yilda quyidagilar munosib topildi: an'anaviy ijro yo'nalishi bo'yicha - Dilnura Mirzaqulova, Gulzoda Xudoy-nazarova, akademik xonandalik yo'nalishi bo'yicha - Lola Rasulova, Gulnor Aljonova, estrada yo'nalishi bo'yicha - Oksana Nechitaylo, Adham Soliev, Dilnoza Mirzaxo'jaeva, Isroil Saidumarov, "Sahar" guruhi, Samandar Hamroqulov.



Aslida bolalar juda murakkab va qiyin narsalarni biladilar. Xatto bizning aqal xotiramiz oddiy masalalar ustida panj berib qolgan vaqtlarda ham, ular dono va chaqon chiqib qoladilar. Buning sirini juyungina. Bolalar ularni uchun qulay bulgan usullarda bilishni kerak bulgan narsalarni qabul qiladig. MTM tarbiyachilari shuning uchun ham qiziqarli va oson iylalar bilan bolalarga jum-boklarni echishni urgatadilar. Qashqadary viloyatining Yakkabog' tumaniga "Shirinтой" MTM muxassislari ham ana shu usulni tanlashgan. Muassasaga tarbiya to'layotgan 105 nafar bola tizimli tarzda tarbiyalanayotganligini suratlardan ham bilib olish mumkin. Tarbiyachilar - Maxfuz Tursonov va Xojar Meilievanning ish uslublarini namuna qilib kuratsa arziydi. Buxron RIZOKULOV olgan suratlar.

ЗИЁРАТЧИЛИК КАБУЛ БУЛДИ!
Бўз туман халқ таълими бўлими қошидаги "Нуроний-устоз" фахрийлар уюшмаси 1991 йили мустақиллигимиз меваси сифатида ташкил этилган эди. Уш пайтда уюшма 69 нафар халқ таълими фахрийсини жамлаган ҳолда иш бошлаган эди. Айни пайтда уюшманинг туман бўйича 36 та бошланғич ташилотлари 637 нафар халқ таълими фахрийлари билан иш олиб бормоқда. Уюшма жойлардаги бошланғич ташилотлари билан ҳамкорликда халқ таълими фахрийларининг яшаш ва дам олиш шароитларидан доимо бохабар бўлиб турибди. Туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими фахрийлар уюшмасига доимий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Уюшма фахрийларнинг ҳар йили юртимизнинг улуг қадамго ва зиёратгоҳларига олиб бориб, уларнинг кўнглини шод этмоқда. Яқинда туман халқ таълими ривожига самарали хисса қўшган, фаол фахрийлардан 15 нафари уюшма ташаббуси билан Сурхондарё вилоятидаги кутлуг зиёратгоҳ Ат-Термизий мақбара мажмуини зиёрат қилиб келдилар. Олдинги йиллар фахрийлар Бухоро, Самарқанд ҳамда Туркистондаги муқаддас зиёратгоҳларда бўлишиб, улуг боболари-миз руҳларини шод айлаган эдилар. — Ниятимиз ҳар бир фахрий билан доимий aloқада бўлиш, улар кўнглини имкон қадар шод этиш, қариларимиз таъриба ва ўғитларини ёшларга ўргатиш, — дейди "Нуроний-устоз" туман уюшмаси раиси Турғунбойхожи Тўйчиёв. Наврўз ва Мустақиллик айёмлари, "Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни" байрами ва бошқа шод ёшларда туман халқ таълими фахрийлари бир йилга чоғга тақил этилмоқда. Уюшма режасига кўра сентябрь-октябрь ойларига 250 нафар халқ таълими фахрийси бир кунлик давомда олиша олиб борилади.

ҚУТЛАЙМИЗ!
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға кўра Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги муносабати билан мукофотланганлар орасида "Маърифат" газетаси бош муҳаррири ўринбосари Абдусамат Раҳимов "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист" унвони билан тақдирланди. Ҳамкасбимизни ушбу мукофот билан табриклаймиз.

31 avgust — Qatag'on qurbonlarini yod etish kuni

Ўтган асрнинг 60-йилларида Дурмондаги Ёзувчиларнинг боғида республика ёш драматургларининг семинари бўлиб ўтган. Унда атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор ҳам қатнашиб, Абдуваҳоб Ибодийдек улкан маърифатпарвар ҳақида гапирганди. Абдулла ақининг устози, ўз ибораси билан айтганда, "қалдирғоч домласи" Абдуваҳоб Ибодий ҳақидаги бу самимий сўзлари ҳали-ҳали хотирамда:

— Мен ҳам Кўқондаги мулла Абдуваҳоб домла мактабида ўқиб, билим орттирганман. Қалбимизга ватанпарварлик ҳиссини, онгимизга миллатпарварлик тушунчасини, вужудимизга инсонпарварлик руҳиятининг пайванд бўлишида ушбу мактабнинг ҳамда унинг сира тиниб-тинчимас, закий ва зукко, ўта одамхон ва болажон, замон талабларини теран идрок этувчи, чинакам тadbirkor мураббийнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлган. Ушбу мактабдан Ҳамза, Қори-Ниязийлар ҳам ўзига хос ибрат олганлар. Халқ шоири Собир Абдулла, академик Убай Орифий, эрта орамиздан кетган, калами ўткир шоир Усмон Носирлар ҳам Ибодий мактабидан жўшқин ҳаётга парвоз этганлар. Абдуваҳоб домла маданиятимиз, маорифчилигимизнинг номи сира учмас, жасоратли яловбардорларидан эди...


XX асрнинг 60-йилларида, Ўзбек Миллий академик драма театрида хотирадан сира ўчмас бир воқеа бўлганди: "Алишер Навоий тарихий драмаси мазкур театр сахнасида қўйилгани ва 800 маротаба намойиш қилиниши ўзига хос нишонланади." Антракт (танаффус) чоғида академик Қори-Ниязий истараси иссиқ, ўрта бўйлик бир киши билан бизни таништирдилар.

"Азизлар, марҳамат, танишинлар, Кўқондан етишиб чиққан машҳур учувчи, урушда душман самолётларини роса қирган матонатли жан-

гчи Абдунаби Ваҳобов бўладилар; ҳа, ана ўша улкан маърифатпарвар Абдуваҳоб Ибодийнинг фарзандлари". Спектакль тугагач, Қори ака ҳам ўша мўтабар зот ҳақида қизиқарли маълумотлардан бизни баҳраманд қилдилар:

— Жадидчилик ҳаракатини тарихий боқич нуктаи назаридан олиб қараганда, маданий-маърифий равнақ йўсинида таҳлил этганда, ижобий томонлари ҳам кам эмас. Янгича йўналишдаги "усули жадид" мактабларининг юзага келиши ва улардаги ўқитиш жараёнида аниқ-дунёвий фанларга жиддийроқ ургулар берилиши ҳам булардан дарак бериб туради. Шунингдек,

юрт олдидаги улкан хизматлари учун ўша пайтдаги энг юксак унвон беририлганди. Афсус, буюқ қувонч узокка чўзилмаганди, орадан бир йил ўтар-ўтмас,



рени айтдилар. Сўзга чиққанлар орасида Абдуваҳоб Ибодийнинг фарзанди Абдунаби Ваҳобов ҳам бор эди. У отаси — машҳур маърифатчи Ибодий домла ташкил қилган мактабда қатор таниқли санъаткорлар ҳам таълим олгани, Халқ артисти Сулаймон Юдаков

мени "Наркомпрос" Наманганга, ўқитувчиликка юборди; бу ердаги маориф ишларини авж олдириш борасида қизгин тadbirkorларни бошлаб юборарканмиз, мени шу чоғларда Кўқонда фаол тарбиявий ишларни амалга ошираётган Абдуваҳоб домла Ибодийнинг "Намуна"вий мактабига тажриба орттиришга юбордилар. Мен у ердаги ўқиш жараёнини кўриб, хайратга тушган эдим; ушбу чинакам "намунавий" мактабда театр маданиятига ҳам эътибор кучли эди, ёшлар ва ўқувчилар иштирокида Авлоний, Хуршид, Зафарий, Ҳамзаларнинг бир пардали пьесалари намойиш этиларди; иқтидорли ёш музикачилардан таркиб топган "духовой оркестр"и нанки мактабда,

театрга ҳавас боғлашимда ушбу тўғаракнинг аҳамияти катта бўлган. Мактабда тарбияланувчилар ва ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтадиган "Санои-нафиса" томошалари, "Шарқий" кечалари, театр спектакллари жуда қизиқарли, мароқли бўларди; менинг шеърият, драматургия, театрда иштиёқимнинг куртаклари шу ердан бошланган десам, муболага бўлмас дейман", дея эслади шоир.

А.Ибодий (1877 йилда туғилган) 14-15 ёшларида Кўқондаги мадрасада ўқиб турган чоғларида, шунингдек, "Нўғай домла" мактабидан ўқиган пайтларда хорижий юртларда бўлишни истарди ва мана шу орузси кейинчалик амалга ошириб, у бир неча Шарқ мамлакатларида ҳам бўлди. Ватанига қайтган, 1901 йилда янгича йўналишдаги ўз мактабини очди. Кейинчалик унинг ташаббуси билан Кўқонда "Дорилъятима", "Дорил шафиқа" деб номланган, етим-есирларни ўқитишга мўлжалланган мактаб (меҳрибонлик уйлари) ишга туширилди. У ердаги дастлабки ўзбек "намунавий мактаби" ҳам Ибодий ташаббуси маориф шўъбасининг қарори билан мактаб-интернатга айлантирилган бўлиб, Абдуваҳоб домла унинг бошлиғи ва "илгор ўқитувчиси" этиб тайинланганди; сўнгра у етакчи "интернат" сифатида шухрат қозонди. Машҳур маорифчи-зиёкор Фаргона музофотидаги қатор янгича мактаблар, болалар уйи, "интернат"ларнинг юзага келишида жонбозликлар кўрсатди, фидойилик намойиш этди.

Эндиликда Р.Мирзаева каби тажрибадор мураббий директорлик қилиб келаётган ушбу "Меҳрибонлик уйи"да унлаб миллатта мансуб болалар ўқиб, таълим-тарбия олиб келмоқдалар.

Бахриддин НАСРИДДИНОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, Халқ таълими аълочиси

ЎЗЛИК ВА ТАРИХ

Ta'kid

Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, қадимги шарқдан чиққан неча-неча буюк мутафаккирларнинг дунё илм хазинасини тўлдиришга салмоқли ҳисса қўшганликлари кўрамыз.

Мовароуннахр сарҳадларига не-не босқинчилар кириб келмаган, кўп йиллар, балки асрлар давомида юртимизда не-не ўзга сулолалар ҳукмронлик қилмаган? Аждодларимизнинг кўрсатган жасоратлари, ўз Ватанларига бўлган садоқатларини ўрганишда бизга ўша даврларда яшаб ижод этган мутафаккирларнинг асарлари катта ёрдам беради.

Ўрта Осиё халқлари қадим-қадимдан Ватанини муқаддас билиб, уни асраб-авайлашга ва унинг ривожига янада ривож қўшишга ҳаракат қилганлар. Буни шу кунгача сақлаб келган халқ оғзаки ижоди ва ёзма ёдгорликлар ҳамда мутафаккирларнинг асарлари орқали билиб олишимиз мумкин.

Қадимги Ўрта Осиё аҳолиси яратган оғзаки ва ёзма ёдгорликлар орасида қаҳрамонлик ва ватанпарварлик эпоси муҳим ўрин тутади. Қаҳрамонлик асарлари аниқ тарихий воқеалар, Ўрта Осиё аҳолисининг чет эл босқинчиларига қарши ватанпарварлик кураши замирида туғилган ва Ва-

тан туйғуси билан суғорилган.

Халқ қаҳрамонлик эпосида оташин ватанпарвар ва фидокор баҳодирларнинг ҳақиқий образлари яратилди. Алпомиш, Тўмарис, Широқ, Рустам, Сиёвуш ва бошқалар шундай образлардир. Бу образлар ўзларининг ватанпарварликлари ва Ватан учун ўз жонини аямаганиклари, кўрсатган қаҳрамонликларидан айримлари ҳам бизга қадар сақлаб қолган. Бу ёзма ёдгорликлар қадимги ёзув ва тиллар ёдгорлиги бўлиши билан бирга бизни узок ўтмишдаги қабила ва халқларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаёти, урф-одати, эътиқоди, сўз санъати намуналари ва бошқалар билан таништирувчи муҳим манбалардан бўлиб ҳисобланади.

Шарқ мутафаккирларининг бизга қолдирган дурдоналари ўлмасдир. Ёшларда ўз Ватанига меҳрсadoqat туйғусини уйғотиш, ўзликни англаш, миллий ва умумбашарий қадриятларни авайлаб-асраш руҳида тарбиялашда бу асарларнинг ўрни ниҳоятда беқиёс.

Баҳодир ЗОИРОВ, ТДЮИ талабаси

ҚАТАҒОНГА УЧРАГАН ҚАҲРАМОН

мактабларнинг юзага келишида Самарқандда Бехбудий ва Азизийлар, Тошкентда Мунаввар қори, Раҳимий, Авлоний ва Шарафийлар, Андижонда Саъдулла Турсунхўжа ўғли, Муҳиддин Шарафиддин қори ўғли ва қалдирғоч журналист Асадуллахўжа, Кўқонда эса Ибодий, Ҳамза Ҳакимзода Ниязийлар жиддий саъй-ҳаракатлар қилган эдилар...

Ўз вақтида республика Марказий Ижроия қўмитасининг саркоотиби ҳамда кўп йиллар Ўзбекистон Маориф ишлари вазирининг лавозимларида ишлаган, маорифимиз тарихидан яхши хабардор Абдуллахўжа ака Муродхўжаев Абдуваҳоб Ибодийни ўз даврининг буюк маърифатпарвар зиёкори сифатида катта таълим-тарбиявий ишларни амалга оширгани, доврўғлари хатто қатор Шарқ мамлакатларига ҳам етиб борганини айтгандилар. У кишига 30-йиллардаёқ, эл-

жуда бир хунук хабар тарқалди, гўё Абдуваҳоб Ибодий "халқ душмани" экану, шунинг учун уни "сиёсий хавфли киши" сифатида хибсга олибдилар. Бу машъум воқеани эшитиб, барча маорифчилар хайратда қолган эдилар...

70-йилларнинг ёзида Тошкентнинг Марказ-1 мавзесидаги "Хуррият" маҳалласида жойлашган ижодкорлар уйининг залида жуда ҳам қизиқарли ва сира унутилмас кеча ўтказилди ва унда республика маданий-маърифий ҳаётида катта хизматлар қилган маданият, адабиёт, санъат атқариб кетган кетган намоянадалари йиғилишти.

Атоқли ижодкорлар, кекса маорифчилар маънавий ҳаётимиз, айниқса, ёш авлод тарбиясига катта ҳисса қўшган машҳур халқ фарзандларидан Тўйчи Ҳофиз, Домла Ҳалим Ибодов, Маннон Уйғур, Фитрат, Хуршид, Қори-Ёқубов, Аброр Ҳидоятлар ҳақида қалб сўзла-

(композитор), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Хожиқурбон Назаров (режиссёрлар ҳам дастлаб Ибодий мактабидаги театр тўғариги, музикаий оркестрлардан катта санъатга тетапоё қилганлиги ҳақида сўзлаганди. Ушундан залда ўтирган машҳур бастистор Сулаймон Юдаков: "... агар Муҳиддин Ёқубов, Абдуваҳоб Ибодий, Л.Фейгин каби устод санъаткорлар меҳрибонлиги, ғамхўрлиги бўлмаганида, мен ҳам болалиқдан шуғуллана бошлаган қосибчилиги "ботинка мойчи"лигим даражасида қолиб кетган бўлардимим", деганди.

Мана, атоқли санъаткор, профессор Раззоқ Ҳамроевнинг пойтахт мактаблари ўқувчилари ва ўқитувчилари билан ижодий учрашуви чоғида Абдуваҳоб Ибодий ҳақида айтган илиқ сўзлари:

20-йилларда "Инпрос" билим юртини тамомлагач,

шаҳар боғида, сайл ва маданий тadbirkorларда ҳам тез-тез иштирок этиб турар эди. Ўша мактабларда ёш "tadbirkorlar" тўғариги мавжуд бўлиб, "бир йигитга қирқ хунар оз" шiori ҳам алвон тортиб турарди; болалар дурадгорчилик, тунукачилик, ўймакорлик, қандолатчилик, тикув-бичув касблари бўйича ҳам тарбия олдилар...

Ҳа, бунингдек, хайрли ишларнинг ортида мактаб карвонбошиси, ёшларнинг ғамхўр мураббийси, дўсти Абдуваҳоб Ибодийнинг тиниб-тинчимаслиги, фидойилиги, ташаббускорлиги ҳамда ажойиб тadbirkorлиги туради.

Ўзбекистон халқ шоири, таниқли драматург Собир Абдулла ҳам Ибодий мактабида ўқиб, билим орттирган. Кейинчалик шоир эслашича, бу мактаб қошида кучли адабиёт тўғариги бўлган. "Менинг адабиётга,

Республика акциядорлик тижорат банки

"Ғаллабанк"

Жамоаси

барча юртдошларни,
мамлакатимиз иқтисодий
салоҳиятини юксалтириш йўлида
меҳнат қилаётган
ўз акциядорлари ва мижозларини
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 12 йиллиги билан
муборакбод этади!
Барчага энг эзгу
ниятларини тилайди.

"Ғаллабанк" хонадонингизга барака келтирсин!

**ЭЛ ХУРМАТИ —
ЗУКСАК УЧУВОЧИ**



сода усуллар билан баён этардики, уни истаган пайтда сураганда бемалол айтиб беришга тайёр турардик. Дарсни кургазмалар, турли уйинлар курдамида амалга оширарди. Энди билсам, hozirда хаетга далил кириб келаетган интер-фаол усулини устоз уз тажрибасида бундан йигирма йиллар олдин синаган экан. Чинакам инсон, филоидий устоз келажакни ана шундай олдиндан кура билишига амин булганман.

Шуниси диққатга сазоворки, Шафоат опа раҳбарлик қилаётган Пахтакор туманидаги 6-мактаб ҳар йили 1 июнгача янги ўқув йилига тайёр ҳолга келтирилади. Хатто доскага янги ўқув йилининг биринчи

Расм, моҳир қўллар, ЭХМ, каратэ, математика, кураш, теннис каби тугаракларнинг ишқибози куп. Шунинг учун ҳам мактабда сунгги 15 йил ичида бирон-та тарбияси огир бола учрагани йўқ.

Мактаб жамоаси қўшимча сармоя топиш борасида ҳам узига хос тажрибага эга. Ҳозир билим масканида бир қатор пуллик хизмат курсатиш турлари мавжуд. Бунга сартарошхона, этикдузлик, ошхона, нонвойхона, гиламчилик мисол булади. Ундан тушган маблағ кам таъминланган оила фарзандларига ўқув қуролини, адабиётлар, устбош олиб беришга сарфланади.

Хуллас, Шафоат опа уқитувчилик касби билан элда обрў-эътибор қозонмоқда. У еш авлодни тарбиялаш йўлидаги намунали хизмати учун муносиб тақдирланди. Устоз утган йили мамлакатимиз Президентининг Фармониға бинван "Эл-юрт хурмати" ордени билан мукофотланди. Уқитувчилик касби билан эл-юрт орасида ана шундай хурмат ва эҳтиромға сазовор булиш чинакам бахт эмасми?! Устознинг чинакам бахтли инсон эканлигиға ҳамийша хавас билан қарайман. Мустақил давлатимизнинг угил-қизларини замон талаби даражасида тарбиялаётган барча устоз ва мураббийларға мана шундай бахтли тақдир на-сиб этишини истайман.

Мақтабдаги мавжуд тугаракларда жонли машгулот олиб борилиши туфайли ешлар бекор қолмайди.

Ehtirom

кунн утиладиган дарсинг мавзуси ҳам ёзиб қуйилади.

Ешларға замон талаби даражасида билим бериш имкониятига эга булган мактаб жамоаси таълим-тарбияда ютуқлар салмогини оширомоқда. Туман миқёсидаги фан олимпиадаларида мактаб жамоаси 10 йилдан бери фахрли 1-уринни эгаллаб келаяпти. Уқув маскани 13 йилдан бери методик хизматни такомиллаштириш буйича таянч мактаби ҳисобланади. Баҳолашнинг рейтинг тизимиға утиш биринчилар қаторида шу ерда жорий этилган.

Мақтабдаги мавжуд тугаракларда жонли машгулот олиб борилиши туфайли ешлар бекор қолмайди.

Она-Ватанимиз — Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини қўлга киритган кунға 12 йил тўлди. 1 сентябрь — умумхалқ байрами деб эълон қилингандан бери халқимиз ҳар йили бу муқаддас санани қувонч билан нишонламоқда. Бу байрам ҳар бир Ўзбекистонлик учун энг улуг ва энг азиз санадир.

Олий ва ўрта махсус ўқув юрларида "Мустақиллик дарслари" муносабати билан ўтказиладиган тадбирларни шартли равишда ўч босқичға бўлиш мумкин.

Биринчи босқич — "Мустақиллик дарслари"ға тайёргарлик кўриш билан боғлиқдир. 2003—2004 ўқув йилида бу дарсларни 1-курсда 8 соат, юқори курсларда эса 2 соат ҳажмида ўтиш тавсия этилмоқда. Тайёргарликнинг биринчи босқичида қатор тадбирларни амалга ошириш лозим. Биринчидан, бу дарсни ўтувчи профессор-ўқитувчилар таркибини юқори малакаға эга булган, "Мустақиллик дарслари" дастурида кайд этилган масалаларни қўқур ва атрофлича таҳлил эта оладиган, Ватанимизнинг ўтмиши ва hozirги кундан олдин оддий, ҳаетий мисоллари талабалар онги ва қалбига етказе билидиган, моҳир педагогик қобилиятига эга мураббийлардан шакллантириш керак.

Юқори курсларда дарсни ўқитиш гуруҳ мураббийларига топширилади. Улар талабаларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига мутасадди шахс сифатида ўз шахсий режалари асосида ешлар билан турли тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириб борадилар. Талабалар билан мамлакатимиз ҳаетида содир булаётган муҳим воқеалар тўғрисидаги суҳбатлар ўтказадилар.

1-курс талабалари учун 8 соатлик "Мустақиллик дарслари"ни ўтиш алоҳида бир кафедра ёки ўқув юрти буйича танланган профессор-ўқитувчиларға окуланади. Негаки, баъзи мураббийлар турли объектив сабабларға кура ижтимоий-сиёсий йўналишда булган, бир-бири билан мантйиқ боғланган, яхлит мазмунға эга булган мавзуларнинг моҳиятини талабалар онги ва қалбига сингдиришда маълум қийинчиликларға учрамоқдалар. Бу дарс эса худди шундай ижтимоий-сиёсий характерға эгадир. Бу йилги дарслар ўзининг мазмунига кура муҳим аҳамият касб этади. Истиқлолнинг ўч иккинчи йили ҳам ҳаетимизнинг

барча жабҳаларида амалга оширилган илохотлар Президент Ислом Каримов томонидан танланган бирдан-бир тўғри йўл эканлигини исботлайди. Талабалар ана шу фикр-аниқ ва теран англамоқлари керак.

"Мустақиллик дарслари"ға тайёргарлик кўришнинг иккинчи босқичида бу машгулотни олиб борувчи профессор-ўқитувчилар учун мавзу буйича бир кўнлик илмий-амалий семинар ўтказилади. Семинарда дарс берувчи довллар билан бирға ўқув юрларининг барча жамоа аъзолари қатнашилари таъминлаш зарур. Семинар мавзуси ва унинг дастурини қуйидагиға тузиш тавсия эти-

минлаш лозим. Бунинг учун мавзулар юқорида кайд этилганидек, мавзуға бевосита боғлиқ булган масалалар ечимидан четта чиқмаслиги, ҳеч қимға керак бўлмайдиган иборалар йилгиндисида иборат бўлиб қолмаслиги, аниқ факт ва рақамлар асосида хулосаланиши зарур.

Учинчидан, бакалаврият босқичининг 2, 3, 4-курсларида ва магистратуранинг 1, 2-курсларида "Мустақиллик дарслари" ўқув йилининг биринчи кунида, яъни 2 сентябрда барча гуруҳларда 2 соатлик мавзуға шаклида ўтказилади. Улар худди шу тарзда дарс жадалига киритилади ва синов ўтказиш назарда ту-

даланиш зарур. Чунки, Президентимиз асарларида халқимизнинг истиқлол учун олиб борган кураш тарихи, мустақилликини қўлга киритиш жараёнилари, ривожланиш конуниятлари, демократик илохотларни чуқурлаштиришнинг зарурияти ва моҳияти, жамият тараққиетида таълим-тарбия, маданият, маънавият, маърифат, баркамол авлоднинг вояға етказиш, конун устуворлиги, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётганлиги, юрт тинчлиги ва осийишталиги каби масалалар кенг ва атрофлича қамраб олинган. Ўз навбатида мавзуларда Ўзбекистон Республикаси ва республика Вазири-

Tavsiya

лаҳатиға таяниш мумкинлиги ўқитирилади. Масалан, талабалар ўз ёзма ишлари учун "Мустақиллики мен қандай тушунман?" "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳает — пировард максадимиз", "Тенглар ичида тенг яшаш — бизнинг максадимиз", "Биз замоннинг фидойиларимиз", "Миллий истиқлол гоёси — меннинг тақдиримда" каби мавзуларни танлаб олишлари мумкин.

Назоратнинг бундай шакли талабаларни бу муҳим ишға жалб қилиш имкониятини берса, иккинчидан, уларда ўлаштирилган материалларға ўзининг шахсий муносабатини ёзма тарзда баён этиш масъулиятини оширади. Ёзма ишлари муҳокама қилиш буйича ҳар бир гуруҳ талабалари орасида, факультет даражасида ва институт миқёсида илмий-амалий семинар ва кўрик-танлов ўтказиш, голибларни аниқлаш, уларни моддий-маънавий рағбатлантириш режаларини тузиш керак. Бу ўқув юрти буйича расмийлаштирилиб, талабалар ва профессор-ўқитувчиларға маълум қилинади. "Мустақиллик дарслари"ни ўтиш оқлатилган профессор-ўқитувчи ҳар бир талаба билан ақлама-яққа ишлаши зарур булади. Ёзма иш мавзусини танлашда ва уни бажаришда талабаға маслаҳат бериш, ўқув гуруҳида семинар ўтказиш, энг яхши ёзилганларини танлаб факультет, сунгра олий ўқув юрти даражасидаги илмий анжуманға тавсия этишда унинг роли катта.

"Мустақиллик дарслари" ҳар бир талабанинг асарлар давомидидаги курашларида қўлга киритилган истиқлол халқимизга нима берганини ҳис этиши ва англашиға, ёшларимиз орасида мафкуравий бўшлиқни бартараф этишға, йигит ва қизларни жамият олдига турган муҳим вазифаларни амалға оширишға сафарбар этиши лозим. Шунга эришимиз керакки, кўпсонли талабалар «Мустақиллик дарслари»нинг асли моҳиятини ўзларига тўлиғица қабул қилиб олсинлар. Ана шундангина мустақил юртнинг бугун сабоқ тинглаётган авлоди келгусида унинг тараққиети учун ўз хиссасини қўшади.

Ушбу тавсиялар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тайёрланди.

**МУСТАҚИЛЛИК
ДАРСЛАРИ**

у олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида қандай ташкил этилади?

лади: "Ўзбекистон — 12 йил мустақил тараққиёт йўлида". Семинар кун тартибига "Мустақил Ўзбекистон — буюк ўтмишға эга булган давлат", "Ўзбекистон халқининг миллий истиқлол учун кураш тарихидан", "Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиш томон йўл тутиши ва Ватан мустақиллигиға эришиши", "Огоҳлик мустақиллики мустаҳкамлашнинг муҳим омилдир", "Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши", "Мустақил тараққиётнинг "Ўзбек модели" каби мавзуларни танлаб олишда ва уларға вақт белгилашда бамаслаҳат иш тутиш лозим. Мавзуларни пухта тайёрлаш, энг яхшилари танлаш катта аҳамиятга эга. Агар мавзузачи ўзига топширилган мавзу юзасидан илмий тадиққот олиб бораётган бўлса ёки бу мавзу буйича матбуотда чиқилар қилган бўлса, унда мавзуға тингловчилар эътиборига сазовор булади. У ақратилган вақт доирасида бевосита мавзуға алоқадор кирраларни қисқа, содаға алоҳа, ҳаетий мисоллар асосида тушултириб бериш имкониятиға эгадир.

Семинар кун тартибига қуйилган умумий мавзуни яхлитлигини таъ-

тилмайди. Бакалаврият босқичининг 1-курс талабалари учун ўтладиган 8 соатлик "Мустақиллик дарслари"да "Ўзбекистон — мустақил тараққиёт йўлида" фотокурғазмаси, истиқлолға бағишланган видеофильмлар, "Асрларға тенг йиллар" деб аталган плакатлар мажмуасини талабаларға тўлиқ таништириш имконияти ҳам мавжуд.

"Мустақиллик дарслари"нинг мавзулар қисми буйича тавсиялар

Дарсни ўқитишда асосий манба сифатида Президент Ислом Каримовнинг "Биздан озод ва обод Ватан қолсин", "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир", "Бунёдкорлик йўлида", "Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан", "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кифолатлари", "Янгиликлар ва ишлаш давр талаби", "Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори" ва шу каби ижтимоий-сиёсий характерға эга асарларидан, мавзуларидан, нутқларидан фой-

лар Маҳкамасининг илохотларни янада жадаллаштиришға қаратилган конун ва қарорлари ҳам муҳим манба була олади.

Талабаларнинг якуний ёзма ишлари(иншо, реферат)ни ўтказишға доир тавсиялар

"Мустақиллик дарслари"нинг учинчи босқичи — бу 1-курс талабаларининг дарсни қанчалик ўлаштирилганлигини, энг асосийси — мустақиллик туёфли туздан ўзгариб бораётган ҳаетимизға булган муносабатлари тўғрисидаги ўй ва фикрларини аниқлашға қаратилган синов тадбирларидир. Уларни амалға оширишда барча талабаларнинг фаол қатнашилари таъминлайдиган шакллардан фойдаланилади. "Мустақиллик дарслари"дан сунг ҳар бир талаба ёзма иш (иншо ёки реферат) тайёрлаш лозим. Талабаларға ёзма иш мавзусини танлаш ва режаларини тузишда иходий тарзда ёндашиш мумкинлиги, мустақиллик тўғрисидаги мулоҳаза ва фикрларини очиб беришда ўқитувчилар мас-

**АКЦИЯ ДОРЛИК ТИЖОРАТ
"ПАХТА БАНК"**



Ўзбекистон халқини, ўз акциядорлари ва мижозларини, барча ҳамкасбларни

Республикаemiz Мустақиллигининг 12 йиллик байрами билан сидқидилдан муборакбод этади!

Сиз авизларға соғлиқ, оливий бихт, ҳамда мамлакатимиз гуллаб яшнатиш йўлида олиб борилаётган илохотларни амалға оширишда омадлар тилаймиз!



"Пахта Банк" — Фаровонлигиниғиз калитидир!

Ko'ngil bitiklari

Кўнглин ювди замин оппоқ қор билан, Қалби тўлди қордек нурли заррага, Саховат эгаси бунчалар сахий, Таъзимга эгилди тоғларда арча.

Осмонда охиста суздию булут, Сирли шивирлашди майсалар ила. Сўнгра яшин бўлиб чакнади хурсанд, Момакалдирокдек шўх кула-кула.

Замбуруғлар шодон ювди юзини, Тахсинлар айтишиб ёмғирга чунон, Туйтўпон, қоқигул, чучмома, нозбўй. Баргларин ювишиб, кулишар хандон.

Табиат яшнади шодон ва шўх, Гўзалликда тенгсиз, чексиз бекиёс. Бу нафис чиройдин маст бўлди булбул, Юксалди барчада меҳр, эҳтирос.

Мевалар қизарди, тўлди шарбатга, Дарахтлар шодликдан эгди бошини, Шамол билан барглар тушиб рақсга, Уйнашиб синашди кўз бардошини,

Шу зайлда ўтар, йўқ ҳеч муаммо, Абадий коинот эгаси танҳо, Бу ҳаёт тақдири измида, аммо, Танҳоман деб, Тангри мактанмас асло.

Табиат суҳбатин қолганда кўмсаб, Уйноқи шўх қушлар олганда ақлим, Булбул сайрашидан кўнгли ҳам юмшаб, Хислар оғушидан уйғонди завқим, Уйғонган завқ жўшиб юксалса шояд...

Тоғдаги тошларга урилиб завқим, Осмонни ўйнати ақс-садоси, Эй, булут, сенга ҳам дилимни оғум, Инжу завқларимнинг бўлмас адоси, Адосиз завқларим авж олса гоят...

Авж олсаю гуллар чайқалса нафис, Баргида юлдузлар айласа хиром, Рақслар сеҳрига куйласа ҳофиз, Бахтиёр қалбларга куй берса ором, Меҳрга чулғонур олам ниҳоят.

Меҳрдан шарқираб окса жилғалар, Авжланаётган бахт кўшигин айтиб, Майсалар марвардан такса сирғалар, Шамоллар тебранса дуторин чертиб, Чиройга бурканур далам-табиат.

Семирган бугдойлар мисоли олтин Нонга жон фидо, деб чоғлар ўзини, Тарсиллаб кўсақлар ўйлайди юртин, Мевалар пиштар айтар сўзини Офтобдан ранг олар аҳли раият...

Мукамал чиройин очса табиат, Дуру-гавхарларин сочса ниҳоят, Бахт нафис хислари юксақдир гоят, Тинчлик бўлса доим шояд ва шояд, Бор бўлур "Инна..." деб айтилган оят!

Жуманазар БЕКНАЗАР



Бу дунёнинг баъзи ишидан Кулгим келар, куйгим келди. Одамзоднинг тошдек бошидан Тақдир шамоллари елади.

Уйинчоқдек ўйнар бизларни Гоҳ тақдирнинг шўх тўфонлари. Умр ташвишда кечар баъзида, Баъзида-чи, шодлик онлари...

Дард келса ҳам гоҳида бошга, Қалбда асраб эзгу, пок ният, Арзимас деб, томчи кўз ёшга, Умид билан мағрур яшар мард.

Тақдир голиб, ҳар ўтган онга Мухрайди шодлик, армонни. Шунинг учун ташвиш шамоли Емиромлас бахтин Инсоннинг!

МАНЗАРА

Осуда тун. Юлдузлар сокин, Гўё алла айтмоқда секин. Деразамни очганим чоғим, Ажиб хисга тўлди димоғим. Шўх жилғанинг овози майин, Таровати бордир қандайин. Сирлашди сув-ла мажнунтол, Саболарда тебраниб хушқол. Юлдуз порлар самода минглаб, Юрак жўшар, атрофни тинглаб. Тун кўшиги-қалбимда хислар, Чаппар уриб, кимчидир излар. Тун бағрига сингиб кетаман, Уни суймай, суймай нетаман. Эндигина бўлгандик сирдош, Тонг ёришиди. Жилмайди кўёш...

Арофат УСМОНОВА, Андижон тиббиёт коллежи талабаси

ТАБИАТНИНГ ТАБИЙ ЭҲСОНЛАРИ

Кўпчилик мева саломатликни асрай олмаслигидан шикоят қилишади. Эҳтимол, улар мевани нотўғри истеъмол қилишар?
Асосий қоида сифатида уларни овқатланишдан 20-30 дақиқа олдин ейиш тавсия қилинади. Мевалар ошқозонга жуда қисқа вақтда тушади ва тезликда уни тозалашга киришади.

Sog'ligimiz o'z qo'limizda

ОЛМА

Хаақда шундай гап бор: кимки ҳар кунига икки дондан олма еса, унга шифокорга боришининг ҳождати йўқ. Аиниқса, уйқудан аввал олма еб ётиш қондаги холестерин ва қанд моддаси алмашинувини яхшилайдди. Қарияларнинг но-нуштада олмани сут билан ара-лаштириб истеъмол қилишлари жуда фойдали, дейишади.

Олма уруғини пўчоғи билан чиқит қилиб отиб юбора-миз. Лекин, олма уруғида ким-матли йод моддаси борлигини кўпчилик ҳам билавермайди. Ҳар кун 5-6 дона олма дона-часини еб юрган кишининг йод моддасига нисбатан эҳти-ёжи тўлиқ қондирилиб экан. Олма пўчоғи ёр билан ара-лаштириб ёрилган лабга қўйилса, тезликда тузалади.

НОК

Нок шарбатига биологик фаол моддалар бўлиб, у шомолашга қарши кучли анти-биотик воситадир. Шарқ халқларидан шундай мақол қолган: "Эртабаки олма — юракка қувват. Эртабаки нок — юракка захар". Демак, нокаларни истеъмол қилиш-нинг ҳам қоидаси бор: у оч қоринга ейилмайди, аксинча, овқатдан сўнг ярим соат ўтиб ейиш жуда фойдалидир. Хақ таъбиатда нок юрак қувватини оширувчи, нафас

қайнатилаган сув билан аралаш-тирилган шарбатни ангина ва стоматитни ҳам тўзатади.

ПОЛИЗДАН ЭНГ ЯХШИ ҲАҒДОРИ

Тарвузнинг ҳам хизмати мевалардан кам эмас. Уни бир вақтнинг ўзида бошқа овқат-лар билан қўшиб ейиш, ошқоз-зонни қийнаш деганидир ва бу ҳолатда у кўп миқдорда ел чи-қаришга сабаб бўлади.

Тарвуз, аввало буйракни тозаловчи табиий маҳсулот. Аиниқса, буйракда тоши бор кишилар тарвузини кўпроқ истеъмол қилишлари зарур. Унинг шарбати танадаги нафат-қортиқча хилтларни олиб чиқиб кетади, балки қанд мод-даси билан таъминланишини ҳам яхшилайдди. Камқонлик, атеросклероз, подагра, артрит, диабет касаллиги билан ори-ган беморлар учун тарвуздан афзалроқ дорй йўқ.

Тарвуздан фарқлироқ қовун таркибида минераллар кўпроқ учрайди. Шу боис ҳам уни майдалаб чайнаш керак. Беморлар уни ҳақдан ташқари совуқ ҳолда емасликлари ке-рак, чунки бу ҳолатда қовун-ни хазм қилиш қийинлашади. Полизда етиштирилмаган бу икки маҳсулот асабини тинчлан-тириш хусусиятига ҳам эга.

Қовун уруғи пешоб ҳайдашда наф берган. Агар кастролка-да қайнаётган гўшт ҳадетанда пшавермаса, қовун пўчоғини ташлаб юборсангиз, юмшаб, тезликда пшаринг экан.

Мева, сабзавот ва полиз экинлари табиатнинг инсонга улашлаган эҳсони. Улар ай-рим дорилар сингари тошма-мас матоҳ эмас ва нархлари ҳам арзон. Шу боис она таби-атнинг бу эҳсонларини қай вақтда истеъмол қилишни билиш соғлиқимизни асрашда рол ўйнайди.

X. ТҲЙМАНОВА тайёрлади.

Xullas...

МИТТИ ОДАМГА МИТТИ ЮРАКГА

Австриянинг Инсбрук шаҳридаги клиникалардан бирида шов-шув қилишга арзийдиган опера-ция ўтказилди: икки ойлик чақалоқнинг нор-мал ишлай олмайдиган юрак ўрнига сунъий юрак ўрнатилди. Целина исмли бу қизалоқ бир неча соат давом этган операциядан эсон-омон олиб чиқилди.

Шифокорларнинг фик-рига қараганда, бемор бу юрак билан узоқ йиллар яшайди, ҳеч қандай асорат қолмайди. Касал юрак эса, қизалоқни бир неча йиллар азоблаб, охири уни нарги дунёга олиб кетиб қолиши мумкин эди, деб хабар беради мамлакатда чикадиган га-зеталардан бири.

4 КИЛОЛИК ҚҶЗИҚОРИН

Қўзиқорин ишқибозла-ри Мордовияда, аиниқса, Саран кишлоғида кўли-ғи билан эмас, Балки рекорд кўрсаткичга эри-шишга қараб ҳисобга олинади. Александр Арта-манов улар орасида би-ричи ўринни ишғол этса ажаб эмас. У терган қўзи-қоринлар орасида 4 килоу 300 грамм тош босгани ҳам бор эдики, шу сабаб Александрнинг атрофини саранликлар ўраб олиш-ди.

Ҳақиқатан ҳам бундай оғирликдаги қўзиқорин мўъжиза! Эҳтимол, ҳали ҳеч ким табиатнинг бун-дай гаройиб неъматига дуч келмаган бўлса керак. Қўзиқорин, афсуски, эсдалик учун сақланмай-ди, у қоринга тушадиган нарсаси. Шу боис Артама-нов ҳам ўйлаб ўтирмай, бу мўъжизани пиёз билан қўшиб қовурди-да, оила аъзолари билан паққос туширди.

ана shunaqa gaplar

"ТОШКЕНТ ДОН МАҲСУЛОТ" очик акциядорлик жамияти

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллик тўйи билан барчани самимий муборакбод этамиз. Келажаги буюк давлат қуриш йўлида барчага улкан зафарлар тилаб қоламиз.



Хонадонингиздан файзу барака аримасин!

Ma'rifa

ТАБИС ЭТУВИЧЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазири, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Таълим ва фан ходимлари касба уюмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БУРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин ҚАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулкар ТҲЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Уткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150, Г-726. Тиражи 19380. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ, Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Навбатчи: Гофур ЖАБИЕВ.

"Маърифат"дан материалларни кўчириб босиш тахририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

Тахририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди. ③ белгиси остида реклама материаллари берилди

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. E-mail: marifat@ars-inform.uz

Баҳоси сотувда эркин нарҳда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Милоҳат ТОШОВА саҳифалари.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси 41-уй. Босишга тошириш вақти—21.00. Топширилди